

УДК 614.4:616.98:578.828.12(575.1)

*Муродқосимов Сайдолим,*

*Ўзбекистон-Финландия педогогика институти биология кафедраси доценти,*

*Хайитбоева Гавхар Бурхонона,*

*Ўзбекистон-Финландия педогогика институти биология кафедраси магистри.*

*Самарқанд, Ўзбекистон*

## **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ОРАСИДА ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНИ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Мақола кейинги 12 йилда Самарқанд вилояти аҳолиси ўртасида ОИВ инфекциясидан касалланиш ҳолати, юқиш йўллари ва профилактика ишларини ташкил этишнинг долзарб муаммолари тўғридаги маълумотларни ўрганишга бағишланган. ОИВ эпидемиясини олдини олишда аҳолини ОИВга тестдан ўтказиш билан профилактик тадбирларни ташкил этилади. Шу сабаб, аҳолининг ОИВ инфекциясига зарарланишни аниқлаш, эпидемиянинг даражасини белгилаш учун алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун вилоят аҳолисининг кейинги 12 йил (2012-24 йиллар) давомида ОИВ инфекцияси билан зарарланиши ҳолати ва ОИВ инфекцияси билан зарарланмаслик учун қандай профилактик тадбирларга риоя этиш зарурлиги тавсия этилган.

**Калит сўзлар:** ОИТС, ОИВ инфекция, профилактика, АРВТ.

*Муродқосимов Сайдолим,*

*доцент кафедрасы биологии педагогического института Узбекистан-*

*Финландия.*

*Хайитбоева Гавхар Бурхановна*

*магистр кафедрасы биологии педагогического института Узбекистон-*

*Финландия.*

*Самарқанд, Узбекистан*

УДК 614.4:616.98:578.828.12(575.1)

## ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ВИЧ ИНФЕКЦИЕЙ СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ.

**Аннотация.** В статье рассмотрена эпидемиологическая ситуация по ВИЧ–инфекции в Самаркандском регионе, обозначены нормативные документы по профилактике заражения ВИЧ-инфекцией и необходимые меры профилактики среди населения Самаркандской области. В нашей стране уделяется особое внимание мерам по противодействию распространения ВИЧ-инфекции. В условиях продолжающейся эпидемии трудно переоценить важность профилактических мероприятий, в частности привлечения населения к тестированию на ВИЧ, в том числе населения, которые являются одной из ключевых групп, определяющих эпидемическое распространение ВИЧ-инфекции в нашей стране. Важность тестирования населения чрезвычайно актуальна, в первую очередь, для своевременного выявления инфекции и назначения химиопрофилактики, передачи вируса иммунодефицита.

Установлено, своевременная диагностика заболевания очень важна для раннего начала антиретровирусной терапии (АРВТ) в соответствии с современными клиническими рекомендациями, как для сохранения здоровья самой населения, так и для снижения риска распространения ВИЧ на популяционном уровне.

**Ключевые слова:** СПИД, ВИЧ–инфекция, профилактика, АРВТ.

UDC 614.4:616.98:578.828.12(575.1)

*Saidolim Murodkosimov,*

*Associate Professor, Department of Biology, Uzbekistan-Finland Pedagogical  
Institute*

*Gavkhar Burkhonovna Khaitboeva,*

*Master's Student, Department of Biology, Uzbekistan-Finland Pedagogical Institute  
Samarkand, Uzbekistan*

## EPIDEMIOLOGICAL ANALYSIS OF HIV INFECTION AMONG THE POPULATION OF SAMARKAND REGION

**Abstract.** This article is dedicated to studying the urgent issues related to the incidence, transmission routes, and preventive measures of HIV infection among the population of the Samarkand region over the past 12 years. The study analyzes data on the spread of HIV and highlights the importance of testing and preventive measures to curb the epidemic. Given the significance of identifying infection cases and determining the epidemiological status of the region, this research focuses on analyzing HIV infection trends among the local population between 2012 and 2024. Based on the findings, recommendations are provided on essential preventive measures that should be observed to reduce HIV infection rates.

**Keywords:** HIV/AIDS, HIV infection, prevention, ART.

**Мавзунинг долзарблиги.** ОИВ инфекциясини популяцияда кенг тарқалганлиги ва барқарор ўсиши замонавий тиббиётнинг долзарб ва жиддий муаммоларидан биридир. Ҳозирги вақтда жаҳонда 40 млн. дан ортиқ шахс ОИВ инфекцияси билан яшамокда, йилига 1. 9 млн. дан кўпроқ шахс ОИВ инфекцияси билан рўйхатга олинмокда (1,2,4,5,6). Ушбу касаллик Ўзбекистон Руспубликаси аҳолисида ҳам учраб келмокда. ОИВ инфекцияси билан яшаётган шахслар 65000 нафардан кўп кишини ташкил этмокда, шу жумладан юқоридаги касаллик ҳолатлари Самарқанд вилояти аҳолиси орасида ҳам 5000 нафардан ортиқдир (3). ОИВ инфекцияси билан рўйхатга олинган аҳоли сони 2012 йилдан 2024 йилгача 5667 нафарга етди. Аҳолини ОИВ инфекциясига тестдан ўтказиш давлатимиз соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус бўйруқлари асосида назорат этилади ва стандарт қоидалар билан тиббий ёрдам амалга оширилади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Самарқанд вилояти мисолида аҳолининг ОИВ инфекцияси билан зарарланишини (2012-2024 йилларда) таҳлил қилиш ва профилактик тадбирларни тадбиқ этишга қаратилгандир.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари.** Аҳоли тўғрисидаги тадқиқот ишлари Самарқанд вилоят ОИТСга қарши курашиш марказида олиб борилди.

Тадқиқот маълумотлари йиллик якуний ҳисоботларга асосланган ва аҳоли орасида ОИВ инфекциясини қайд этилиши кузатилиб, таҳлил қилиб борилди.

**Олинган натижалар.** Жами текширилган аҳолилардан кейинги 12 йил ичида ўртача (435,9 та ҳолат) ёки 100000 аҳолидан (11,7 та) ОИВ инфекцияси билан зарарланган (жад. №1).

Жадвал №1.

**ОИВ инфекциясини қайд этилиши ва юқиш йўллари бўйича 2012-2024 йиллар таҳлили**

Йиллар	ОИВ аниқланган шахслар	Интенсив кўрсаткич.	Шундан 18 ёшгача болалар	Интенсив кўрсаткич	Юқиш йўллари								Эпид. суриштирувгача вафот этганлар
					Жинсий	%	парентерал	%	вертикал	%	Ноаниқ	%	
2012	384	11,3	51	5,1	241	62,7	119	30,9	16	4,1	11	2,8	8
2013	467	13,6	57	5,6	293	62,7	167	35,7	6	1,2	2	0,4	5
2014	462	14,7	62	5,2	311	67,3	142	45,6	1	0,2	6	1,2	7
2015	452	12,6	87	6,7	272	60,1	159	35,1	1	0,2	16	3,5	14
2016	492	13,8	61	4,7	358	72,7	75	15,2	1	0,2	5	1,0	5
2017	481	13,1	71	5,4	328	68,1	125	25,9	2	0,4	17	3,5	13
2018	465	12,2	37	2,1	351	75,4	82	17,6	1	0,2	29	6,2	9
2019	434	11,3	39	2,9	333	76,7	86	19,8	2	0,4	10	2,3	15
2020	297	7,6	31	2,2	230	77,4	48	16,1	6	2,0	13	4,3	7
2021	384	9,6	33	2,3	311	80,9	44	11,4	0	0,0	19	4,9	2
2022	454	11,2	34	2,4	270	60,1	153	35,1	0	0	18	4,8	13
2023	456	10,8	32	2,0	272	60,1	159	35,1	1	0,2	16	3,5	14
2024	439	10,4	28	1,8	333	76,7	86	19,8	2	0,4	10	2,3	15
жами	5667	11,7	623	3,7	3903	68,9	1445	25,6	39	0,6	172	3,0	127

Ушбу ҳолат бугунги кунда Республика аҳолиси ўртасида ҳам ОИВ инфекцияси билан зарарланиш ўртача эркакларда 53,6% ва аёллар ўртасида 46,4% ни ташкил этади (7). ОИВ инфекцияси билан зарарланганларнинг ҳудудлар бўйича таҳлил этганда, энг кўп рўйхатга олинганлар Самарқанд шаҳрида (1251 ҳолат), Ургутда (736 ҳолат), Пастдарғомда (356 ҳолат), Самарқанд туманда (350 ҳолат) қайт этилган. Ушбу туманларда ОИВ инфекциясига текширилиш яхши йўлга қўйилган ва вақтида профилактика ишлари амалга оширилган.

Вилоятда ОИВ инфекцияси бўйича эпидемиологик вазият 2012 йилдан бошлаб йилига ўртача 435,9 дан ортиқ аҳоли рўйхатга олина бошлади, аммо 2020-21 йилларда қайд этилиши сусайганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ушбу йилларда коронавирус инфекциясини юртимизга кириб келиши ва ОИВ инфекциясига такширилиши камайганлиги ҳисобидан юз берди.

Вилоятда кейинги икки йилидаги вазият таҳлил этилганда, 2021 йилда 384 нафар шахс ОИВ инфекцияси билан рўйхатга олинган ва 2020 йилда бу кўрсаткич 297 нафарни ташкил этган. Касалланиш кўрсаткичи 2020 йилга (297) нисбатан 87 та ҳолатга кўпайганлиги кузатилди. Болалар орасида касалланиш ўтган йилга (31нафар) нисбатан 2 та ҳолатга (33нафар) ортди. ОИВ инфекциясига текшириш яхши йўлга қўйилганлиги сабали ошди. Бундай кўрсаткичлар аҳолининг интенсив кўрсаткичларида ҳам намоён бўлди. Вилоят бўйича 2021 йилда ОИВ инфекциясининг интенсив кўрсаткичи ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 9,6 ни ташкил этди (2020 йил 7,6). Бу кўрсаткич Каттақўрғон шаҳрида (19,4), Самарқанд шаҳрида (15,6), Самарқанд туманида (12,2), Ургут туманида (11,4) ни ташкил этиб вилоят кўрсаткичидан юқориликча қолмоқда. Жорий йилнинг 12 ойида 439 нафар ОИВ билан зарарланганларнинг 68,6 фоизи касалликни жинсий йўл орқали (333 нафар), 19,8 фоизи тиббий муолажа орқали (86 нафар), 1,5 фоизи инъекцион гиёҳвандлар (6 нафар) парентерал йўл орқали, 1,5 фоизи нотиббий парентерал йул орқали (6 нафар) йўл орқали вирусни ўз организмга юқтириб олган. 4,9 фоиз (19 нафар) беморларда касалликнинг

юқиш йўлига аниқлик киритишнинг имкони бўлмаган. Маълумотлар таҳлиliga кўра, жинсий йўл билан зарарланиш бир мунча юқорилиги кузатилмоқда. Бу эса кейинги йилларда бетартиб жинсий алоқанинг кўпайганлигидан далолат беради.

### **Хулоса:**

1. 2024 йил январ ойи ҳолатига ОИВ-инфекцияси билан яшовчи шахслар сони 5667 нафарни ташкил этиб, шулардан 3309 нафари (68,9 %) жинсий йул билан 1445 нафари (25,6 %) парентерал йул билан зарарланган. Жинсий йул билан зарарланишда эпидемияни ҳаракатлантирувчи асосий сабабларидан бири бетартиб жинсий ҳаёт кечирувчи шахсларнинг кўпайганлигидир.

2. Вилоятда ОИВ инфекцияси бўйича эпидемиологик вазият 2012 йилдан бошлаб йилига ўртача 435,9 дан ортиқ аҳоли руйхатга олинган, аммо 2020-21 йилларда кайд этилиши сусайганлигини кузатилган. Бу эса ушбу йилларда коронавирсинфекциясини юртимизга кириб келиши ва ОИВ инфекциясига такширилиши камайганлиги хисобидан юз берди.

### **Тавсия**

Аҳолини ОИВ инфекциясига текширилишни яхши йўлга қўйилса ваАРВТ билан ўз вақтида қамраб олинишни амалга оширилса, бу инфекцияни зарарланишни олдини олиш мувафиқиятли амалга ошади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Покровский В. Вич-инфекции и СПИД. Национальное руководство. Краткое издание / В. В. Покровский. –М. : ГЭОТАР-Медиа,2014. -528 с.
2. Ратникова Л. И. ВИЧ- инфекции и инфекционные поражения центральной нервной системы /Л. И. Ратникова, С. А. Шип, А. А. Глинкина и –др. // Инфекционные болезни. -2016. –Т. 14. № S1 –С. 9-11
3. Мурадкосимов С. М. , Ерманов Р. Т. ,Туракулов Ж,С. , Курбанова Л,М. / Самарқанд вилояти меҳнат мигрантлари орасида ОИВ инфекцияси билан

зарарланиш курсатгичларини киёсий таҳлили. /Биомедицина ва амалиёт журнали. №3, 2021. -с. 207-210.

4. Справка «ВИЧ-инфекция в Российской Федерации на 31 декабря 2015 года», Федеральный научно-методический центр по профилактике и борьбе со СПИДом ФБУН ЦНИИЭ Роспотреб надзора.
5. Латышева И. Б. , Воронин Е. Е. Мониторинг и оценка мероприятий по профилактике передачи ВИЧ от матери ребенку в Российской Федерации в 2006-2012 гг: Информ. Бюл. - СПб. : МЖ. - 2013. – 43с. 3. U NAIDS/UNICEF/WHO Global AIDS Response Progress Reporting and UNAIDS 2014 HIV and AIDS estimates, July 2015.
6. U NICEF analysis of UNAIDS 2014 HIV and AIDS estimates, July 2015. 5. Bamford A, Turkova A, Lyall H, Foster C, Klein N, Welch S on behalf of PENTA Paediatric European Network for Treatment of AIDS (PENTA) guidelines for treatment of paediatric HIV-1 infection 2015: optimizing health in preparation for adult life. HIV Med 2015 Feb 3. doi: 10. 1111/
7. Джалалова Г. А. ,Тулкуова Ш. Б. ,Холдарова Х. Б. Борба с ВИЧ инфекцией в Узбекистане. /Вестник науки и образования. №2 (26). 2017. С. 90.
8. Шодиевич Ш. Ҳ. и др. MICROSOFT EXCEL ЭЛЕКТРОН ЖАДВАЛИДАН ФОЙДАЛАНИБ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИ СТАТИСТИК ҲИСОБЛАШ //Международный журнал теории новейших научных исследований. – 2025. – Т. 1. – №. 1. – С. 67-75.
9. Шайкулов Х. Ш. Состояние свертывающей и антисвертывающей системы крови у здоровых людей //Молодой ученый.—2024. – 2024. – Т. 5. – №. 504. – С. 59-61.
10. Нарзиев Д. У., Шайкулов Х. Ш. ТЕЧЕНИЕ ОСТРОЙ ПНЕВМОНИИ У ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ВЫДЕЛЕННОЙ МИКРОФЛОРЫ //Экономика и социум. – 2024. – №. 2-1 (117). – С. 1636-1642.

11. Sh S. K. et al. OF PSEUDOMONAS AERUGINOSA IN INFECTIOUS PATHOLOGY OF HUMANS, ANIMALS AND BIRDS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 3. – С. 237-240.
12. Sh S. H., Mamarasulova N. I. O ‘TKIR DIAREYALARDA ESHERIXIYALARNING AJRALISHI. – 2023.
13. Шайкулов Х. Ш., Расулова М. Р. РОЛЬ УСЛОВНО-ПАТОГЕННЫХ ЭНТЕРОБАКТЕРИЙ ПРИ СПОРАДИЧЕСКИХ ОСТРЫХ КИШЕЧНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ ДЕТЕЙ //INDEXING. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 31-35.
14. Хусанов Э. У., Расулова М. Р., Шайкулов Х. Ш. Особенности повреждений подъязычно-гортанного комплекса при тупой механической травме //Астана медициналық журналы. – 2022. – №. S1. – С. 262-265.
15. Шайкулов Х. Ш., Исокулова М. М. Характеристика энтеропатогенных кишечных палочек, выделенных у детей раннего возраста //Экономика и социум. – 2023. – №. 1-1 (104). – С. 489-494.